

Бақара сураси, 211-оят

12:25 / 18.02.2018 4761

Бану Исроилдан уларга қанчадан-қанча очиқ-ойдин оят(мўъжиза)ларни берганимизни сўра. Кимки ўзига Аллоҳнинг неъматини келганидан кейин уни ўзгартирса, бас, албатта, Аллоҳ иқоби шиддатлидир. *Бақара 211.*

Аллоҳнинг кўрсатган йўли қолиб, бошқа йўлга юрган, қайта-қайта ҳужжат, далил, мўъжизалар сўраб, улар кўрсатилганидан кейин ҳам залолатда давом этиб, охири лаънатга учраган қавм Бану Исроил бўлади.

«Оят» сўзи Қуръон оятидан бошқа маъноларни ҳам, жумладан, «белги», «ишора», «мўъжиза», «ҳужжат», «далил» маъноларини ҳам англатиши ҳақида аввал сўз юритилган эди. Шу маънода

«Бану Исроилдан уларга қанчадан-қанча очиқ-ойдин оят(мўъжиза)ларни берганимизни сўра», деганда, мўъжиза, ҳужжат ва далиллар назарда тутилган. Аллоҳ таоло Бану Исроилга уларнинг талабларига биноан, кўплаб мўъжиза, ҳужжат-далилларни берган. Жумладан, Мусо алайҳиссалом қўлларини қўлтиқларига тиқиб олсалар, кўрган одам хурсанд бўладиган даражада оппоқ бўлиб чиқар эди. Ҳассаларини ерга ташласалар, илонга айланарди. Фиръавн аскарини билан қувиб келганида, Бану Исроил қочиб ўтиб олиши учун денгиз суви иккига айрилиб, ораси қуруқ йўл бўлиб турган. Мусо алайҳиссалом ҳассалари билан харсанг тошни урганларида, ўн иккита булоқ отилиб чиққан. Шунингдек, қаттиқ иссиқда уларнинг бошида булут соя солиб турган. Осмондан таом учун манн ҳамда салво тушган ва ҳоказо.

Ушбу оятнинг келтирилишидан «Ким Бану Исроилга ўхшаб, Исломга Аллоҳ айтгандай тўлиғича кирмаса, улар каби бало-офатларга гирифтор бўлади», деган маъно чиқади. Шунинг учун ҳам оятнинг иккинчи ярмида:

«Кимки ўзига Аллоҳнинг неъматини келганидан кейин уни ўзгартирса, бас, албатта, Аллоҳ иқоби шиддатлидир», – дейилмоқда.

Аллоҳ берган иймон ва илм неъматларини ўзгартирганлар, Исломга тўлиғича кирмай юрганлар Аллоҳнинг азобига учрайди. Бу азоб турли кўринишда бўлади. Ҳозирги кунда бошимизга ёғилаётган турли-туман

мусибатлар, бало-офатлар ва мушкулотлар ўша азобларнинг айрим кўринишларидир.

Инсоният Исломга қанчалик яқинлашса, унга қанча амал қилса, шунчалик бахтли-саодатли бўлиб боради. У қанчалик Исломдан узоқлашса, унга оз амал қилса, бахти-саодати шунча камайиб, бахтсизлиги кўпаяди.